

Пардоз-андоз ахлоққа зидми?

18:48 / 24.04.2016 6205

Яқинда бир дугонам: “Муслима аёл безаниши, хушбўй атирлар сепиши, сочларини чиройли турмаклаши мумкин эмас, чунки бу исломий ахлоққа зид”, деб менга танбеҳ берди. Унинг бу таънаси ўринлими?

ЖАВОБ: Йўқ, унчалик тўғри эмас. Безак, хушбўйликлар эркак ва аёлни бирдай гўзал, чиройли қиладиган неъматлардандир. Безак кўз учун лаззатдир. Зеро, кўз безакли нарсани кўрса, қувонади. Хушбўй ис димоққа лаззат бахш этади. Инсон ширин ҳидлардан завқланади. Шунинг учун шариатимиз мусулмонларни жума, ийд ва бошқа оммавий йиғинларга хушбўй ва ораста бўлиб боришга ундайди. Зеро, мусулмон биродарлари назарида гўзал ва хушбўй бўлиши керак. Ундан ҳеч ким нафратландиган бўлмасин.

Бу ҳол эр-хотин ўртасида янада муҳим ва аҳамиятлидир. Хотини эри олдида доимо безаниб юриши керак. Унинг олдида ҳамиша хушбўй ҳид таратиб юрсин. Бу ишларга, хусусан, қўшилишдан олдин катта эътибор бермоғи лозим. Безак уни эрининг кўзи ўнгида янада чиройли қилади, хушбўйлиги ўзига тортади ва эрини ром қилади.

Безак эри олдида чиройли либосларни кийиш билан ҳам бўлади. Эр-хотин ёлғиз бўлганларида либосларининг қисқа ё узунлигида, юпка ё қалинлигида фарқ бўлмайди.

Шунингдек, хотин эрининг муҳаббатини қозониш учун аёлларга хос тилла ва бошқа тақинчоқларини тақиши ҳамда сурма, упа каби воситалардан ҳам фойдаланиб безаниши мумкин.

Сочларини чиройли турмаклаб, қўл ва болдирларидаги ортиқча жунларни кетказиб безанса ҳам бўлади. Айниқса, танаси ва оғзининг тозалигига эътибор бериши керак. Қўлтиқларидаги бадбўй ҳидларини кетказиши лозим.

Аёлнинг ўз бадани бичимига диққат қилиши, мумкин қадар семириш ва ёф босишидан сақланиши ҳам зийнатдир. Зеро, бадан бичими ҳам гўзалликдир.

Аммо таъкидлаш лозимки, аёл фақат ва фақат ўз эри учун безанади ва хушбўй бўлади. Эридан ўзгага безанган ва хушбўй бўлган аёл гуноҳкордир. Безак ва хушбўйлик лаззат беради, аёл эридан бошқа кимсалар ундан лаззат олишига йўл қўймаслиги керак.

Эрлар ҳам ўз аёлларига «бепардоз» кўринмасликлари зарур. Эр сочини тўғрилаши, мўйлабларини қисқартириши, бадани ва оғзининг тозалигига эътибор қилиши, хотини учун ўзини хушбўй қилиши, муносиб тарзда безаниши керак. Хотинининг кўзи ундан қувонсин, тотли ҳидига фарқ бўлсин. Агар эр-хотин бу айтилганларга эътибор қилиб, хоссатан, қўшилишдан олдин уларга риоя қилса, бахтиёрликнинг муҳим шартига риоя қилган бўлишади (Аллоҳ билувчидир).